

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5120100 – 3.04

2016 йил “9” 01

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги



АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитарсоҳа
Таълим соҳаси: 120000 – Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши: 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш
(роман-герман филологияси);
5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти
(роман-герман тиллари)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- | | |
|----------------------|--|
| Халлиева Г.И. | - Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик кафедраси доценти, филология фанлари номзоди |
| Расулмухамедова Д.З. | - Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик кафедраси катта ўқитувчиси |

Такризчилар:

- | | |
|-------------|---|
| Исаева Ш. | - ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети доценти филология фанлари номзоди; |
| Тўйчиева Ш. | - ЎзДЖТУ Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик кафедраси доценти, филология фанлари номзоди |

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4- сонли баённома).

КИРИШ

Бакалавр талабаларга адабиёт назарияси фанини, унинг мақсад ва вазифаларини ўргатиш, фан доирасидаги асосий назарий масалаларнинг мазмун мундарижасини тушунтириш, адабиёт назариясининг энг муҳим кирралари борасида тасаввур ҳосил қилиш, адабиёт назариясига бағишланган маърузалар ўқиш ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

“Адабиёт назарияси” фани адабиётшунослик илмида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бўлажак филолог талаба бадиий асарларга назарий муносабат билдиришни айнан ана шу фан доирасидаги илмий масалалар воситасида ўрганади. “Адабиёт назарияси” фани жаҳон адабиётшунослигида мавжуд ва янги назарий қарашларни ўзида мужассамлаштира бориши билан ҳам долзарб саналади.

“Адабиёт назарияси” бадиий адабиётнинг умум назарий қонунларини ўрганувчи фан экани, бадиий ижод маълум назарий тушунчаларга асосланишини талабаларга ўргатиши билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фаннинг асосий мақсади талабага адабиёт назарияси бўйича билим бериш бўлиб, унда бадиий асар моҳияти ва ижод психологияси, адабий тур ва жанрлар, бадиий асарнинг шакли ва мазмуни, поэтик нутқ, услуб ва шу каби бир қатор назарий қонуниятларни аниқ бадиий асарларга татбиқ этган ҳолда ўргатишдан иборатдир. Шу маънода қуйидаги вазифалар муҳим саналади:

- Адабиёт назариясининг тарихи юзасидан маълумот бериш;
- Адабиёт назариясининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини ўргатиш;
- Санъат турлари, хусусан, бадиий адабиётнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини тушунтириш;
- Адабий тур ва жанрлар масаласини талқин этиш;

- Адабиёт назарияси дастурида берилган мавзуларни янгиликлар билан бойитиб бориш;
- Эпик, лирик ва драматик турлар синкретизмини тушунтириш;
- Адабиёт назарияси воситасида адабий жараёни баҳолаб бориш масалаларини ўрганиш ва бошқа қатор назарий масалалар талқинидан иборатдир.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникмава малакаларига қўйиладиган талаблар

“Адабиёт назарияси” фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

“Адабиёт назарияси” фанининг предмети, объекти, мақсади, “Адабиёт назарияси”нинг адабиётшуносликка оид назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишдаги асосий фан сифатидаги аҳамияти ҳақидаги маълумотларни **билиши ва тасаввурга эга бўлиши керак;**

- бадиий асарга эстетик баҳо бериш, адабий жараёни илмийлик асосида баҳолаш каби билим ва кўникмаларга **эга бўлиши;**

- бадиий асарни назарий жиҳатдан таҳлил ва талқин қила билиш малакасига **эга бўлиши керак;**

- адабиёт назарияси фани бўйича чуқур назарий билимга эга бўлиш;

- бадиий асарни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

- бадиий асарга эстетик баҳо бериш;

- адабий жараёни илмийлик асосида баҳолаш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Мазкур фан 8-семестрда ўқитилади. “Адабиётшуносликка кириш” фанининг узвий давоми саналади. Адабиёт тарихи, адабий танқидчилик, жаҳон адабиёти

,тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти, ҳозирги адабий жараён, эстетика, санъат социологияси, психология, фалсафа фанларида ўрганиладиган муаммоларнинг умумийлиги билан бир-бирига боғланган.

Дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, семинар, амалий машғулот шаклида олиб борилади, шунингдек, фаннинг долзарб масалалари талабаларга мустақил иш сифатида ўзлаштириш учун берилади. Машғулотлар замонавий педагогик технологиянинг турли методлари орқали ўтказилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Талабаларда адабиёт назарияси бўйича билимларни шакллантириш, адабиёт назариясининг ички структурасини, адабий турлар ва жанрлар муносабатини, бадиий асарнинг шакл ва мазмунига доир муайян билимга эга бўлиш ва уларни амалиётда татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён бевосита маънавий-маърифий соҳаларда амалий аҳамият касб этади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

«Адабиёт назарияси» фанини ўзлаштиришда ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, амалий машғулот, семинар машғулотлари шаклида олиб борилади, шунингдек, фаннинг долзарб масалалари талабаларга, курс иши ҳамда мустақил таълим сифатида ўзлаштириш учун берилади. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, техник воситалардан фойдаланилади. Маъруза, амалий ва семинар машғулотлари педагогик технологиянинг замонавий методлари, слайдлар, мультимедиалар орқали ўтказилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Санъатнинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, турлари. «Адабиёт» арабча сўзидан олингани. Тор маънода бадиий ижод қонуниятларини ўрганадиган фан

эгани. Адабиёт назарияси адабиётшуносликнинг таркибий қисми сифатида. Адабиёт назариясининг адабиёт тарихи, адабий танқид, адабий манбашунслик, адабий жараён, жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик методологияси билан алоқаси. Адабиётшунослик методлари масаласи. Санъатда воқелик бадиий образлар орқали ифода қилиниши. Образлилик санъатнинг бош белгиси экани. Адабиёт ва санъатнинг ўткинчилик ҳамда умрбоқийлик хусусияти.

Санъатнинг турлари

Рақс, ҳайкалтарошлик, мусиқа, рассомлик, кино ҳақида маълумот. Рассом чизик ва буюклар орқали, раққоса ритмик ҳаракат, мимика орқали маълум ҳаётин манзарани гавдалантириши.

Адабиёт - сўз санъати.

Адабиётда сўзнинг ўрни. Образли тафаккур хусусиятлари. Адабиётда инсон тасвири, ҳамда характер яратиш принциплари.

Адабиётда миллийлик ва уминсонийлик

Миллийликка хос хусусиятлар. Умуминсонийлик моҳияти. Адабиёт буюкмиллий-маънавий бойлик сифатида.

Поэтик образ хусусиятлари

Образ таснифи. Образда умумийлик ва хусусийлик. Прототип масаласи. Образ ва деталь. Образ ва сўз.

Бадиий асарда мазмун ва шакл бирлиги

Адабиётнинг бош тасвир предмети инсон экани. Бадиий асарда мавзу. Бош мавзу ва кичикмавзу. Мавзунинг моҳияти. Мавзунинг долзарблиги ва кўламдорлиги.

Бадиий асарда ғоя

Бадиий ва ижтимоий ғоя. Обьектив ғоя. Мавзу ва ғоя муносабатлари. Шакл кенг маънода гиобразлар структураси экани. Уларнинг диалектик бирлиги.

Сюжет ва композиция. Сюжет типлари. Хронотоп тушунчаси.

Халқ ижоди (фольклор) ва халқ тили

Адабий тилнинг ўзига хос хусусиятлари. Муаллиф нутқи. Персонаж нутқи. Бадиий адабиётда диалектизм, архаизм, профессионализм, вульгаризм вабошқа унсурлар масаласи. Тил ва индивидуаллик.

Бадиий ижод турлари

Эпос, лирика, драма. Эпик тасвир. Лирик тасвир. Инсоннинг ҳис-туйғулари ва лирика. Сиёсий, интим, табиат лирикаси.

Эпик шакллар; роман, қисса, ҳикоя ва бошқалар. Сатира, юмор мустақил ижод тури сифатида. Кулгу туғдириш шакллари; а) ва зият комизми; б) баён комизми.

Драматик тур. Драма – театр санъат ининг асоси. Трагедия ва комедия. Драма. Кино санъати.

Ижодий метод ва услуб

Ижодкор услуби ва бадиий тил. Услублар хилма-хиллиги. Услубдаги индивидуаллик. Ижодий метод ва адабий оқимлар.

Романтизм ва унинг турлари. Романтизмда орзу-умидлар ёки тасаввурлар акс этиши.

Реализм ва унинг турлари. Реализм-ҳаққоний тасвир.

Классицизм, натурализм, сентиментализм вабошқалар.

Модернизмнинг ички оқимлари: экзистенциализм, символизм, футуризм, сюрреализм, постмодернизм ва бошқалар. Жаҳон санъат тарихида оқим ва методлар кўплиги.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Амалий машғулот талабаларни адабиёт назарияси фанига доир маълумотлар билан мустақил танишишга, уларни адабий асарни назарий жиҳатдан таҳлил ва талқин қилишга йўналтиради. Амалий машғулотларда талабалар адабиёт назарияси фанининг ўзига хос назарий хусусиятларини, бадиий асар шакли ва мазмунига доир илмий масалаларни ўрганадилар.

Талабалар тўплаган билимларини дарс вақтида мунозара ёки маъруза кўринишида ҳимоя қилади.

Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Адабиёт назарияси фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Адабиёт шунослик методлари ҳақида тушунча.
3. Поэтик нутқ.
4. Эпик тур: роман жанри ҳақидабаҳс.
5. Бадиий образ ва прототип, образ яратиш усуллари.
6. Замонавий ва тарихий романлар.
7. Бадиий асар мавзуси ва ғояси.
8. Бадиий асар пафоси.
9. Бадиийлик мезонлари.
10. Сюжет типлари ва турлари.
11. Шеърятда образ масаласи.
12. Қофиявавазн.
13. Аруз вазни ва бармоқ вазни.
14. Шеърини санъатлар.
15. Насрий асарда ритм.

16. Бадий асар структураси ва адабий жараён.

Изоҳ: Мазкур рўйхатдаги мавзулардан амалий машғулотлар учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- амалий машғулотларга тайёргарлик;
- семинар машғулотларига тайёргарлик;
- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабанинг ўқув, илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиши;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий таълим.

Мустақил таълим учун қуйидаги топшириқларни бажариш тавсия этилади:

1. Адабиёт назарияси адабиётшуносликнинг таркибий қисми сифатида.
2. Адабиётнинг ижтимоий вазифаси.
3. Бадийлик мезонлари.
4. Бадий образ ваобразлилик.
5. Образ, характер, тип: асослари, умумийлик ва ўзига хосликлар.
6. Бадий адабиётда уминсонийлик, миллийлик ва индивидуаллик масаласи.
7. Ижтимоий ғоя ва бадий ғоя ўртасидаги умумий ва фарқли жихатлар.
8. Бадий асар тили, халқ тили ва адабий тил ўртасидаги ўхшашлик ва ўзига хослик.

9. Адабий турлар: вужудга келиши, тарихий омиллари. Жаҳон адабиётида мавжуд замонавий оқимлар.
10. Ижодкор шахсияти ва ижодий индивидуаллик масаласи. Арузвазни, бармоқ вазни: назарий адабиётлар.
11. Шеърини нутқда: бўғин, урғу, зарб тушунчалари.
12. Адабий жараёнда ижод ва ижодкор муаммоси.
13. Бадиий ижод психологияси.
14. Бадиий асарда макон ва замон.
15. Структурал- семантик поэтика.
16. Адабиётда анъана ва новаторлик.
17. Ижодий метод ва адабий оқим тушунчалари ўртасидаги муштараклик.
18. Реализмнинг турли халқлар адабиётларидаги талқинлари.
19. Таржима ва талқин.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Дастурдаги мавзуларни ўтишда таълимнинг замонавий методларидан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнида янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Бу борада замонавий педагогик технологияларнинг «Муаммоли таълим» технологиясининг «Мунозарали дарс», «Венн» диаграммаси, «ФСМУ», Синквейн» методидан фойдаланиш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т., Ўзбекистон. 2000.
2. Султон И. Адабиёт назарияси. -Т., Ўқитувчи. 2005.
3. Қуронон Д. Адабиётшунослик луғати. Қ., 2010.
4. Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. «Фан» 2006.
5. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. –Тошкент: Мухаррир, 2011.

Қўшимча адабиётлар:

1. Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: «Высшая школа», 1999.
2. Арасту. Поэтика. Ахлоқикабир. –Т., Янги асравлоди. 2004.
3. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. -М. : Искусство, 1979. -424 с
4. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: «Зарқалам», 2006.
5. Норматов У. Ижод сеҳри. Алишер Навоийномидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2007.
6. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. «Фан», 2006.
7. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти.-Т, Шарқ. 2004.
8. Қуронон Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т., Шарқ. 2004.
9. “Ўзбек адабий танқиди” Антология. Т., “Turon-Iqbol”. 2011.
10. Ҳожиаҳмедов. А. Мумтозбадиият малохати. -Т., Шарқ. 1999.
11. Жахон адабиллари адабиёт хакида (О.Шарафуддинов таржималари) Т. “Маънавият” 2010.
12. Адабиётшунослик назарияси. ЎУМ, ЎЗМУ 2011. Ўзбек филологияси факультети кутубхонаси.

Интернет сайтлари:

13. www.ziyo-net.uz
14. www.ziyouz.uz

